

8 март - Халқаро хотин қизлар байрамига МАЪРУЗА

Бу кун бутун ҳаётини оила фаровонлиги, фарзандлар бахту саодати, эл-юрт равнақи ва мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк истиқболи учун бағишлаётган фидойи, меҳнаткаш хотин-қизларимиз қадрланадиган улуғ шодиёнадир.

Шу муносабат билан Сиз азизларни, Сизлар орқали мамлакатимизда истиқомат қилаётган мўътабар онахонларимиз, муқаррама опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, лобар қизларимизни анъанавий байрам билан самимий қутлаймиз ва чин қалбимиздан мураббад этамиз.

Муқтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай деган эдилар: «Ҳаммамизга аёнки, обод турмушни ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлмиш муқтарам аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди... Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор»

Бу фикрларда хотин-қизларимизни эъзозлашга чақирик мужассамдир. Мана шу гапларнинг ўзиданок, муқтарам Юртбошимизнинг Сиз азиз аёлларга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг нақадар юксаклигини яққол кўришимиз мумкин.

Юртбошимиз Сиз аёлларга суянаётгани бежиз эмас. Чунки, Аёл бир қўлида бешикни, иккинчи қўлида эса дунёни тебратади.

Азиз ҳамкасблар, опа-сингиллар!

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳар биримизга куч-қувват ва илҳом бағишлаши табиий. Ўзбек аёллари эса ўз фидокорлиги, изланиб меҳнат қилиши ва жондан азиз фарзандларимизни баркамол вояга етказиши билан ана шу ислохотларга қанот бағишлашларига ишончимиз комил.

Сизларни яна бир бор байрам билан қутлар эканмиз, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва бахту саодат тилаймиз.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, муқтарам ҳамкасблар, муқаррама опа-сингиллар!